

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МАТН ЯРАТИШ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАКТАБ ДАРСЛИКЛАРИГА МУРОЖААТ

Райхон Бахритдиновна Расулова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6981439>

Аннотация. Ушбу мақолада ўқувчиларнинг матн яратиш компетенциясини шакллантиришда мактаб дарсликларининг аҳамияти ҳақида фикр юритилган.

Калим сўзлар: дарсликлар, технология, метод, мулоқот, инновацион методлар, мавзулар, инновацион технология, коммуникацион муаммоларни ечиш, матн таҳлили, матн яратиш, оғзаки нутқ, ёзма нутқ.

ОБРАЩЕНИЕ К ШКОЛЬНЫМ УЧЕБНИКАМ В ФОРМИРОВАНИИ ТЕКСТОТВОРЧЕСКИХ КОМПЕТЕНЦИЙ УЧАЩИХСЯ

Аннотация. В данной статье обсуждается значение школьных учебников формирования текстотворческих компетенций учащихся.

Ключевые слова: учебники, технология, метод, общение, инновационные методы, темы, обработка текста, создание текста, устная речь, письменная речь.

REFERENCE TO SCHOOL TEXTBOOKS IN THE FORMATION OF STUDENTS TEXT-CREATIVE COMPETENCES

Abstract. This article discusses the importance of school textbooks in the formation of text-creative competence of students.

Keywords: textbooks, technology, method, innovative methods, topic, problem solving, word processing, word production, oral speech, education.

КИРИШ

Она тили ва адабиёт дарсларида матн яратиш жараёнида инновацион технологияларни қўллаш ўқувчиларни ижодий фикрлашга, олинган ахборотларни фаолликда ҳал этишга, фикрни эркин баён этишга, ташаббускорликка, ҳамкорликда иш юритишга, фикрни ёзма равишда баён этишга чорлаш бугунги куннинг асосий мақсадидир. Бугунги жамиятда ривожланган давлатларда ўқувчиларнинг ўқув программасини ўзлаштиришларига мослашган таълим тизимидан компетенциявий таълим тизимига ўтиш кучайган. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши она тилига бўлган мунособатни тубдан ўзгартирди. Она тили таълими мазмунининг янгиланиши ушбу соҳада қилинадиган ишлар мақсадини белгилаб берди. Бугунги кун она тили таълими мактабда ўргатилиши белгиланган тил сатҳларидан қатъи назар, ҳатто адабиётни ўқитишда ҳам ўқувчининг сўз бойлигини ошириш, шу орқали ўз фикрини оғзаки ва ёзма шаклларда мустақил, мантиқли, раво, лўнда ва жозибали ифодалай олишига эришишни талаб этади. Ушбу мақсадни амалга ошириш, албатта, ўзбек тилининг тенгсиз хазинаси ҳисобланган луғат бойлиги ва ушбу хазинамиз манбалари бўлмиш мумтоз адабий меросларсиз самарали бўлиши қийин.

Она тилининг барча сатҳларини ўқитишда *матал, мақол, ҳикматли сўз, топшимоқ, тез айтиш, латифа, лоф, терма, дoston ва дидактик-фалсафий ривоят* намуналаридан таҳлил материали сифатида фойдаланиш нутқ ўстиришда самарадорликка эришиб, баркамол авлодни тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қила олади.

Буларнинг таг замирида сўз инсониятнинг комилликка етишувига, маънавияти юксалишига хизмат қилиши зарурлиги кўзда тутилмоқда. Лекин бугунги таълимда инсонга эмас, сўзга хизмат қилиш кучайгандан кучайиб кетгани ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Илоҳий қудратга эга ва инсоният учун қувват манбаи ҳисобланмиш сўзга бугун тўғри муносабатда бўляпмизми деган саволга “Йўқ” деб жавоб берсак ҳеч адашмаган бўламиз. Болаларимизни баркамол инсон бўлиб етишувига сўз қурилиши эмас, балки моҳиятини ўргатиш ва ундан тўғри фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга етарлича ҳаракат қилиш вақти етиб келди, назаримизда. Айниқса, таълимда болаларнинг ёш хусусиятлари ва улар дунёқарашидаги ўзгаришларни ҳисобга олмаган машқ ва топшириқлар уларни бутунлай бездириб бормоқда.

Республикаимизнинг биринчи Президенти таълим соҳасига оид муаммоларга тўхталиб шундай деган эди: “Шу кунгача ҳеч ким бошланғич синфларда ва ундан кейинги босқичларда ўқиётган ўқувчиларга қайси синфда нимани ўқитиш мақсадга мувофиқлигини илмий нуқтаи назардан тўла асослаб берган эмас”. Жумладан, умумтаълим ўқувчиларининг 7-9-синфларида ҳам шу сингари муаммолар кузатилади. Бу ёшдаги болаларни турли насихатлар эмас, ҳақиқий сўз қуввати билан тарбиялаш мақсадга мувофиқ бўлади. Оммавий маданиятлар гирдобига айланаётган ёшларимизнинг, айнан, шу ёшида грамматик таҳлилларни ўрганиш эмас, балки дунёни билиш эҳтиёжлари орта боради. Болаларни сўз билан тарбиялар эканмиз, демак, уларнинг сўз билан ишлашларини тўғри йўлга қўймоқ зарур. Болаларда матн яратиш компетенциясини шакллантириш айнан шу мақсадга хизмат қилмоғи зарур. Шахс шаклланишидаги бирламчи омиллардан бири бўлган бу кўникмани такомиллаштириш ва ривожлантириш учун барча чора-тадбирлар кўриломоғи замон талабига айланди.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Илмий, илмий-методик манбаларда таълим мазмуни тушунчаси турлича талқин қилинади. Жумладан, рус педагог-олимлари И.Я.Лернер ва М.Н.Скаткинлар таълим мазмунига ўрганиш учун танланган ва ўқувчиларнинг ўзлаштиришларига мўлжалланган, методик жиҳатдан ишланган бой ижтимоий тажрибанинг бир қисми сифатида қарайдилар.

Адабиётларда «таълим мазмуни» тушунчаси билан бирга “*ўқув материали*” атамаси ҳам қўлланилади. Дидактикада ўқув материали тушунчаси кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода у “таълим мазмуни” тушунчасига тенг бўлса, тор маънода маълум даражада ўрганилиши керак бўлган, ўқувчиларнинг ўзлаштиришларига мослаштирилган билим, кўникма ва малакалар тизими тушунилади.

Она тилидан дастур ҳамда дарсликлар ўқувчиларнинг ўрганишлари ва ўзлаштиришларига мувофиқлаштирилган тил материалларини ўз ичига олади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, таълим мазмунининг ёйилмаси ўқитишнинг дидактик воситалари, жумладан, мактаб дарсликлари ҳисобланади. Умумий ўрта таълим мактабларининг “Она тили” дарсликларида матн яратишнинг ўрганилиши айрим ҳолатларни таъриф ва тавсифлаш билан чегараланиб қолмоқда. Ҳолбуки, матн яратиш ўзига хос мураккабликларга эга бўлиб, уни ўзлаштириш кунт билан ишлашни талаб этади. Зеро, бугунги кунда оммавий ахборот воситаларида айрим телебошловчилар, радиомухбирларнинг нутқларида ҳам ғайритабиий мантиқсизлик кўзга ташланади ва бу ҳолат уларнинг ўқиш саводхонлигининг пастлиги ҳамда адабий тил меъёрларини тўғри ўзлаштира олмаганликларини сездириб туради.

Ваҳоланки, ўқувчиларга ҳам матнлар билан ишлаш жараёнида фақат грамматик таҳлилий топшириқлар эмас, мантиқий нутқ, мустақил фикр ривожига кўпроқ ўрин ажратиш сўздан ўринли фойдаланиш ҳамда адабий тил меъёрларини эгаллашнинг муҳим омили эканлигини шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозим.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Мактаб “Она тили” дарсликларида ҳам, олий таълим дарсликларида ҳам матн яратишга етарлича ўрин ажратилмаган. Бу ҳолат нутқ изчиллиги ҳамда адабий талаффуз меъёрларининг ўқувчи ва талабалар томонидан етарлича ўзлаштирилмай қолишига олиб келаётган сабаблардан биридир. Она тили таълими тарихига назар ташласак, бундай ҳолат 1930–1940-йилларда чоп этилган дарсликларда ҳам учрамаслигига гувоҳ бўламиз.

Шу ўринда “матн билан ишлаш” ва “матн яратиш” каби ўқув топшириқларини моҳиятан фарқлаш, уларнинг дидактик таълимдаги ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида тўхталиш жоиздир. Бизнингча, матн билан ишлаш ўқувчини йўналтиради, фикрлаб таққослашга ундайди; матн яратиш компетенциявий кўникма ва малака ҳосил қилиш учун хизмат қилади.

Бироқ кузатишларимиз асосида айта оламизки, узоқ йиллардан бери амалда бўлган қатор дарслик ва кўлланмаларда мазкур икки тушунчанинг берилишида бирёқламалик каби ҳолатларни кўриш мумкин, яъни иккала ҳолатда ҳам эътибор кўроқ грамматик таҳлилдан иборат.

7-9-синф “Она тили” дарсликларидан олинган қуйидаги намуналар фикримизни тасдиқлайди: *“12-машқ. Хато ёзилган сўзларни тўзғилаб, матнни кўчиринг. Сўзларнинг имлосини тушунтиринг. Матндаги гоёни таҳлил қилинг. газадан ўзингни асра, чунки газад туфайли инсон ўз ишларини, эзгу ларини унитади. Мол-дунёга хирс қўйма, очкўз бўлма. Эзгу ишни кўз-кўз қилма. Махтанчоғ бўлма. Ўз руҳинг билан зиддиятга тушмаслигининг бирдан-бир йўли фойдали меҳнатдир.*(«Эзгу ўй, эзгу сўз со‘з, эзгу амал»*китобидан).*” Ушбу машқ шартига эътибор қаратадиган бўлсак матн ғояси грамматик таҳлили соясида қолиб кетган, ўқувчи эътибори кўроқ хато ёзилган сўзга тушади, чунки матнда асосий манзара имло хатоларда акс этган.

“333-машқ. Берилган шеърий мисрадаги сўзларни унли ва ундошга ажратинг.

Яхши киши кўрмагай ёмонлиқ ҳаргиз,

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир”.

Унли ва ундош товушларга ажратиш бошланғич синфларда ўтилгани етади, 5-6-синфларда такрорлаш мутлақо ортиқча ҳолат.

“8-машқ. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг сўроғини аниқланг”.

Келтирилган мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, дарсликларда машқ ва топшириқларнинг мақсади, вазифаси бир-биридан фарқланмайди. Барчасида асосий вазифа берилган матнни грамматик таҳлилга тортиш топшириғи берилмоқда.

Кўриниб турибдики, ҳар бир тушунча ўз мазмун-моҳиятига хизмат қилиши зарур. Яъни, **матн устида ишлашда танқидий** таққослаш ишлари олиб борилса кўзланган кўникма ва малакага эга бўлиш мумкин, матн яратиш, жумладан, ўқувчининг зиммасига биров масъулиятли вазифани англатади.

Демак, матн устида ишлаш – кўникма ёки малака ҳосил қилиш воситаси. Матн яратиш эса инсонийликни шакллантирувчи қурилмага ўхшайди. У йўналтирувчи хусусиятга эга. Матн яратиш орқали ўқувчини фикрлашга, мустақил ишлашга ўргатиш

мумкин. Зеро, матн устида ишлаш ҳам, матн яратиш ҳам тафаккур учун муҳим жараён ҳисобланади. Назарий маълумотлар, яъни грамматик қоидалар ўқувчида белгиланган мавзу доирасида билим, тушунча ҳосил қилади. Таълим мазмунида ўқувчи эгаллаши кўзда тутилган компетенцияни, асосан, мантиқий мустақил фикрлаш шакллантиради. Яратиладиган матнлар ўқувчи тафаккурини бойитишга хизмат қилади.

Мактабда, одатда, муайян ўқув предметига тегишли дарслик дарс жараёнида ҳам, ҳатто дарсдан сўнг ҳам ўқувчи ва ўқитувчининг шу ўқув предмети бўйича билим бериш ҳамда маълумот олишнинг асосий воситаси, таянчидир. Шундай экан, асосий диққатни дарсликдаги ўқув материалларининг таркиби, тузилиши ва, албатта, мазмунига қаратиш керак. Мактаб дарсликларида миллат тафаккури ва мафқурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак, деган таъкид, фикримизча, “Она тили” дарсликларига кўпроқ тегишлидир. Аждодлардан, умуман, инсоният даҳоларидан бугунги кунгача етиб келган тафаккурнинг энг илғор маҳсули бўлган *мақол, матал, ҳикматли сўзлар, тасвирий ифодалар, иборалар* она тили таълимининг мазмунини ташкил этиши керак, улардан онда-сонда эмас, балки ҳар дарсда, ҳар ўқув топшириқ таркибида унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ўз ўрнида ва ўз вақтида ўқувчилар тафаккурига сингдирилган бу каби халқона, миллий дурдоналар уларнинг фикрларини теранлаштиришга, дунёқарашларини кенгайтиришга ва ўзларида ҳосил бўлган ижодий тафаккур маҳсулини равон, аниқ ҳамда тушунарли тарзда баён эта олишларига замин яратади.

Амалдаги дастур ва дарсликлар ўқувчини она тили таълими мақсадига мувофиқ мустақил изланишга ундаши лозим. Бундай шароитда дарсликнинг энг муҳим қисмини назарий маълумотлар базаси эмас, балки ўқувчига она тилимизнинг сон-саноксиз имкониятларидан унумли ва ўринли фойдаланишни ўргатадиган ўқув топшириқлари ташкил этмоғи лозим. (Чунки мактабда она тили таълими тилшунос тайёрлаш мақсадини эмас, тил имкониятларидан кенг фойдалана оладиган ижодий тафаккур соҳибини жамиятга етказиб беришни тақозо этади.) Демак, ўқув топшириқлари ўқувчини изланишга ундай олсагина, уларни талаб даражасида деб ҳисоблаш мумкин бўлади. Ҳозирда республика миқёсида амалда бўлган мактаб дарсликларидаги ўқув топшириқларининг айримлари белгиланган талабларни қондира олмайди. Чунончи, она тили дарсларида тез-тез учрайдиган “*Матндан унлиларни топиб тавсифланг*” кабиларни ўқув топшириқлари даражасида баҳолаб бўлмайди, сабабки, улар ўқувчида ижодий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қила оладиган етарли кўникма, малакаларни ҳосил қилиши қийин. Шунинг учун дарсликларнинг топшириқлар қисми мукамал, тизимли, пухта ишлаб чиқилиши зарур.

МУҲОКАМА

Тилнинг барча сатҳларини ўқитишда мумтоз адабий меросларимиз саналмиш дидактик руҳдаги ҳикоят ва ривоят намуналаридан таҳлил материали сифатида фойдаланиш она тили таълимида самарадорликка эришишда, баркамол авлодни тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қила олади.

“Она тили” дарсликларида тўғри ёзиш меъёрларини кўникма сифатида шакллантириш борасида кўплаб турли тушунтиришлар берилади. Аммо матн яратиш жараёнида айрим нутқий саводхонлик масалаларини ўқувчига ўргатиш қатор қийинчиликларни келтириб чиқараверади. Матн яратиш масаласи дунёнинг ривожланган мамлакатлари тилларида атрофлича ўрганилганлигини кузатамиз [инглиз, француз ва б.].

Бу борада жаҳон тажрибасида, жумладан, инглиз тилида IELTS баҳолаш тизимида унумли фойдаланилади. Шунинг учун ҳам амалдаги асосий дарслик ва ўқув кўлланмаларида матн яратиш компетенциялари ҳосил бўлиши учун батафсил топшириқлар берилиши зарур. Олий мактаб ва умумий ўрта таълим мактаблари учун нашр эттирилган дарслик ҳамда ўқув кўлланмаларда матн яратишни шакллантириш учун махсус тизимли ишлар йўқ. Муаммонинг бир учи яна ўрта умумтаълим мактабларида она тили ўқитиш масаласига бориб тақалади. Таълим тақозосига кўра ўқувчиларга нутқ саводхонлиги билан бирга тўғри ёзиш ҳамда мантикий фикрлашни сингдириш талаби ҳам кўйилади.

Ўзбек адабий тили шевалардан ўсиб чиққанлиги сабабли сўзларнинг маъно фарқланишида ҳудудлар билан боғлиқ жиддий фарқлар бор. Мактаб она тили дарсликларини тузишда, айниқса, шеваларга хос ўқув материалларини беришда муаллифлар сўзларнинг турли маъноларини ҳам ҳудудий фарқланиши ҳақида маълумотлар беришлари керак. Чунки матн тузишда аниқлик, мантиқчилик ва тўғрилигига эришишни ўқувчиларга сингдириб бориш зарур. Масалан, тилимизда “хоним”, “бону”, “нисо”, “отин”, “отинча”, “ойим”, “мулло”, “ойимулло”, “бегим” сингари сўзлардан фойдаланилган. Юқорида зикр этилган сўзларнинг маънолари бир хил эмас. Улар ўртасида маълум тафовут, айтиш чокда ўхшаш томонлар ҳам мавжуд. Шунингдек, уларнинг ишлатилиш ўрни ҳам ҳар хил. Ҳатто айримлари уларнинг яшаш жойига қараб турлича ишлатилади. Жумладан, “отин”, “отинча” сўзлари кўпроқ Тошкент ва Фарғона водийсидаги ижодкорларга хос бўлса, “мулло”, “ойимулло” каби сўз ва иборалар бухороликлар учун характерлидир. Зикр этилган сўзларнинг маъно жиҳатидан ўхшашлиги кўпроқ жинс тушунчасини бериб қолмай, аниқроғи, жинсни кўрсатади. Луғатларда ушбу сўзлар хотин, аёл, ойдек гўзал аёл, хоннинг хотини ёки қизи, юқори табақага мансуб аёл ёхуд қиз каби маъноларни англатади. Юқорида қайд этилган сўз ва иборалар давр ўтиши билан ўз маъносини ўзгартиради. Агар “хоним”, “бегим”, “бону”, “нисо” сингари сўзлар дастлабки пайтда юқори табақага мансубликни билдирган ва номга кўшимча сифатида қўшиб ишлатилган бўлса, кейинчалик мустақил ном сифатида қўлланилган. Унинг вазифаси ўзгариши билан мазмуни ҳам кенгая борган. Матн тузишда аниқлик, мантиқчилик ва тўғрилиқка эришишни ўқувчиларга сингдириб бориш зарур. Айниқса, илмий иншо, илмий услубдаги матнларда муҳим аҳамиятга касб этади. Шу ўринда айтиш жоизки, дарсликда берилаётган матнлар учун ономастикага оид маълумотлардан намуналар бериб борилса, ўқувчиларнинг дунёқарашларини ривожлантириб, матн яратиш имкониятларини кенгайтиради. Чунки, ўқувчиларда эшитмаган нарсаларига қизиқиш кучли бўлиб, сўзлар билан боғлиқ қизиқарли маълумотлар уларни бефарқ қолдирмайди. Ўқувчилар ёш хусусиятлари ҳам дарсликда берилаётган матнларда эътиборга олинishi шарт, акс ҳолда ёшларнинг дунёқарашларига зид келиб, уларнинг қизиқишларига салбий таъсир этиши мумкин. Масалан, юқори синф ўқувчиси учун ҳар йил такрорланадиган расм асосида “Куз саховати”, “Ўзбекистонда куз” ёки “Мактабимизда гуллар байрами” сингари матнларни тузиш, умуман улар дунёқарашига тўғри келмайди, негаки бунга ўхшаш матнлар билан болалар МТМларда ҳам таништирилган. 2019-йил нашр этилган М.Абдураимова, Р.Сайфуллаева, Б.Менглиев бошчилигида яратилган 8-синф “Она тили” дарслигида **матн яратиш** учун берилган ўқув материали бошқаларига нисбатан ўқувчига анча фойдали. Берилган матнлар, аввало,

боланинг тафаккурига таъсир этиб, уни жалб эта олиш зарур.

Ўқув материалларининг ўқувчи томонидан самарали ўзлаштирилиши такрор билан боғлиқ. Зеро, “Билимнинг онаси такрор” дир.

Маълумки, психологик нуқтаи назардан инсон хотираси, жумладан, ўқувчи хотираси ҳам муайян турларга бўлинади. Маълумотларни бир марта ўқиш оддий хотирада вақтинча сақланади ва қисқа муддатда унутилади. Агар узлуксиз такрорланса, у доимий хотирага ўтади. Э.Ғозиев таъкидлаган Г.Эббингаузнинг ўқувчи эслаб қолиши мумкин бўлган маълумотлар таркиби, миқдори ва сифати ҳақида олган хулосаларини шу ўринда келтириш ўринли. У ҳеч қандай маъно англамайди 38та бўғинни ўқувчи 55 марта такрорлаганда эслаб қолганини; 38 – 40та сўздан иборат материални эслаб қолиш учун эса, 6-7 марта такрорлаш кифоя қилганини аниқлаган¹. Ўқувчининг ижтимоий ҳаётда компетентлигини тўғри амалга оширишида хизмат қила оладиган зарурий маълумотларни унинг узоқ муддатли хотирасига ўтказиш учун ўша маълумотларни кўп марта такрорлатиш ва хотирасида қайта тиклаб туриш лозим. Шу ўринда айтиш мумкинки, матн билан ишлаш жараёнида аниқлаган бош ғояни ўқувчи ўзи яратадиган янги матнда таҳлилий материал сифатида фойдаланса хотирада яхши сақланади. Матн яратиш компетенциясини шакллантиришда сермазмун, пурҳикмат матнлардан кўпроқ фойдаланилса, ўқувчи уларни бир-икки такрорлаш билан узоқ муддатли хотирасига “ёзиб қўяди”. Бирор жисмоний ҳаракат автоматлашиш даражасига етиши учун қанча узлуксиз машқ зарур бўлса, муайян нутқий малаканинг шаклланишига ҳам шунча машқ, ҳаракат керак бўлади. Бунинг учун матн яратиш жараёнини узлуксиз тизимлаштириш ҳамда “ремниссенция” ҳодисасидан унумли фойдаланиш талаб этилади. “Ремниссенция” ҳодисасида ўқувчиларга ўқиган асар матнларидан ҳамда матн билан ишлашда ёқтирган ёки таъсирланган ўринларини хотирада сақлаб, яратаётган матнда айнан келтириш талаб этилади.

ХУЛОСА

7-9-синфларда матн яратиш компетенциясини такомиллаштиришда илғор педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга молик. Табиийки, бу матн яратишда, жумладан, ўқувчига нутқ элементларини тўғри қўллашни ўргатишда жуда қўл келади. Аммо амалдаги ишлар етарли даражада эмас, чунки ўқувчилар нутқида матн билан боғлиқ муаммолар тўла бартараф бўлгани ёки мазкур муаммонинг ечими сифатида асосли тавсия, методик кўрсатмалар ишлаб чиқилиб кенг амалиётга татбиқ этилгани йўқ.

Бундай вазиятларда амалда қўлланилаётган топшириқлар билан қанча кўп ишланса ҳам, кутилган натижага эришиш қийин кечмоқда. Баъзи ўқувчиларнинг сўз бойлиги камлигидан, керакли сўзларни ўз вақтида тополмай қийналади, бундай муаммолардан келиб чиққан ҳолда, ўқитишни ўқиш саводхонликлар устида ишлашга қаратишдан бошлаш зарур. Акс ҳолда, айрим ўқувчилар балоғатга етганда ҳам фикрини етказиб бера олмайди бўлиб қолишади. Бу каби “нутқий кемтиклик” турли давраларда ўқувчига бир умр халақит бериши мумкин. Ўқитувчи ўз вақтида нутқи ривожланмаган ўқувчиларга алоҳида эътибор бериб, нутқ ўстириш устида мунтазам ишласа, матн яратиш кўникмаларини шакллантирса муаммога ўрин қолмаслиги аниқ. Бироқ бу борада

мактабнинг амалдаги дидактик таълим воситалари(дарслик, кўлланмалар)да бу каби топшириқларга махсус ўрин ажратилмаган.

Фикримизча, матн яратишга доир ўқув материалларининг шаклланиши, тарихий тараққиёти таҳлилидан келиб чиқиб бу борадаги муаммоларни атрофлича ўрганиш, уларнинг ечимини топиш имконини беради.

Ҳар қандай топшириқлар маълум ўқув мавзусига ва маълум ёшдаги ўқувчилар гуруҳига мослаштирилгандан кейин, ўз натижасини кўрсатади. Юқоридаги жараёнлар асосан 7- 9 –синф ўқувчилари ёшларига мос ва муносиб.

REFERENCES

1. Каримов И. А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998.–4-19-б.
2. Расулова, Р. Б. (2020). Она тили фанини ўқитишда иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва уларнинг нутқ маданиятларини оширишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш. *Ta'lim, fan va innovatsiya*, 1(2), 37-40.
3. Расулова, Р. Б Reference to the Layers of Classical Literature in the Formation of Text Creation Skills. *International Journal of Academic Pedagogical Research (IJAPR)* 5, May - 2021, Pages: 150-151
4. Расулова Р.Б. IMPORTANCE OF ENHANCEMENT OF CREATION TEXT VIA CLUSTER INTEGRATION APPROACH IN TERMS OF LITERACY. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*.05, 2022
5. Лернер Я. Дидактические основы методов обучения Текст. /–М. : Педагогика, 1981. 18 с.
6. Ғозиев Э. Умумий педагогика. –Т., 2010. – 221-222-б.
7. Abduraimova V. va b. Она тили. 8- sinflar uchun darslik. –Т.: O`qituvchi, 2019.
8. www.ziyouz.com
9. Мусахоновна Қ. Л. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БИОЛОГИЯ ФАНИДАН САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В3. – С. 577-585.
10. Dzhuraev R. K., Karakhanova L. M. Model of the organization of research activities of 10th grade students in teaching physics and biology //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 01. – С. 296-300.
11. ДЖУРАЕВ Р. Х., КАРАХАНОВА Л. М. Модель организации исследовательской деятельности учащихся 10 классов при преподавании физики и биологии //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 295-299.
12. Musokhonovna K. L. ICT-As a means of achieving new educational results in teaching natural disciplines in secondary schools //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 10. – С. 315-321.
13. Kharaxonova L. M. SPECIFIC ASPECTS OF MEDIA EDUCATION AND ITS USE IN HIGH SCHOOLS //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. CSPI conference 3. – С. 278-284.
14. Караханова Л. 6. DEVELOPMENT OF STUDENTS'KNOWLEDGE BASED ON THE USE OF 3D EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN THE BIOLOGY EDUCATION //Образование

- и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2020. – №. 2. – С. 55-59.
15. Джураев Р. Х., Карахонова Л. М. Медиаобразование как фактор повышения качества обучения школьников //Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. – 2013. – Т. 11. – №. 2. – С. 322-323.
 16. Сафарова Р. Г. и др. Ўқувчи-ёшларни оммавий маданият хуружларидан ҳимоя қилишнинг назарий-методологик асослари. – 2017.
 17. Karakhanova L. M. USE OF MEDIERE RESOURCES IN THE EDUCATIONAL PROCESS OF BIOLOGY IN SCHOOLS //International Scientific Review of the problems of pedagogy and psychology. – 2018. – С. 68-70.
 18. Karakhonova L. M. Using the electronic educational resources in biology lessons //INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS OF PHILISOPHY, PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY. – 2019. – С. 35-39.
 19. Jurayev, R. K., & Karakhanova, L. M. (2020). Scientific And Methodical Bases Of The Use Of Electronic Educational Resources In Teaching Biology In General Educational Schools. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(8), 3500-3505.
 20. Musaxonovna, K. L. (2022). General secondary schools requirements for the introduction of informed educational resources for the development of natural sciences. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 12(5), 855-860.
 21. Караханова Л. М. НОВЫЕ ИНТЕРАКТИВНЫЕ ЭЛЕКТРОННЫЕ РЕСУРСЫ В СОВРЕМЕННОМ ОТКРЫТОМ ОБРАЗОВАНИИ В ОБУЧЕНИИ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. CSPI conference 1. – С. 1303-1305.
 22. Джураев, Р. Х., & Карахонова, Л. М. (2022). ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ СОПРОВОЖДЕНИЕ ОДАРЕННЫХ ДЕТЕЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫМИ УЧРЕЖДЕНИЯМИ. *INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 3(4), 66-70.
 23. ДЖУРАЕВ Р. Х., КАРАХАНОВА Л. М. Модель организации исследовательской деятельности учащихся 10 классов при преподавании физики и биологии //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 295-299.